

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЖАББОРОВ СОБИР БАҲРОНОВИЧ

КОРХОНАДА ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ БОШҚАРУВ СТРАТЕГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ ИЛМий АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1/PhD/Iqt59 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Беркинов Бозорбой Беркинович**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Махмудов Носир Махмудович**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Абдуллаев Абдужаббор
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: www.tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х.Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В.Ғафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

Ш.Дж.Эргашходжаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда 2008 йилда бошланган молиявий-иқтисодий инқироз кўплаб ривожланган мамлакатларни дастлаб инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш ва кейин уни босқичма-босқич тугатиш чораларини амалга оширишга ундади. Шу туфайли хорижий мамлакатларда молиявий-иқтисодий инқирозлар юз бериши эҳтимолини аввалдан билиш ва корхоналарни истикболда барқарор ривожланишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан, «2017 йилда ҳаракатдаги корхоналарнинг Францияда 1,3 фоизи (55,7 мингта), Германияда 0,4% (ёки 20,7 мингта), Италияда 0,2% (12,3 мингта), Хитойда 0,2% (8,4 мингта), Россия Федерациясида 7,7% (13,5 мингта) банкрот бўлган. Банкрот бўлган корхоналар сонининг тез ўсиши Болгария (114,3%), Словения (32,4%), Греция (27,3%) ва Чехияда (21,5%) қайд этилган»¹. Банкрот бўлган корхоналар иқтисодиётини қайта тиклаш миллий қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда турли рискларни камайтириш усулларини ҳисобга олишни талаб этади.

Жаҳонда тўпланган илмий ҳамда амалий тажрибалар негизида инқироз ҳолатининг пайдо бўлиши сабабларини олдиндан ташхис қилиш, корхонани ривожлантириш стратегиясини танлаш учун унинг институционал салоҳиятини ва ташқи муҳитини баҳолаш, корхонанинг рақобат устунликларини юксалтириш ва уни молиявий соғломлаштириш тартиботларини амалга оширилишини назорат қилиш тизимини, инқирозга қарши бошқариш стратегиясини асослаш ва уни амалга оширишни инновацион ривожлантириш йўлига ўтиш ўта долзарб ва зарурий тадқиқот йўналишлари ҳисобланади. Ҳозирги кунда миллий корхоналарни инқироз шароитида бошқариш, улар банкрот бўлишининг олдини олиш, банкротлик тартиботларини такомиллаштириш, инқирозга қарши бошқаришга нисбатан тизимли ва инновацион бошқарувга асосланган инқирозга қарши самарали бошқарув стратегияларини ишлаб чиқиш усулларини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда ислохотлар даврида иқтисодий ночор корхоналарнинг банкротлиги аломатларини мониторинг қилиш, молиявий соғломлаштириш, судгача санация ва банкротликни амалга ошириш механизмлари яратилди ва амалиётга жорий этилди. Шунга қарамасдан бозор рақобати шароитида самарадорлиги паст ва иқтисодий ночор корхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг молиявий-иқтисодий инқирозга учраши эҳтимоли сақланиб қолмоқда. Ушбу ҳолатларни инобатга олганда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, корхоналарни инқирозга қарши бошқариш механизмларини

¹ Статистика банкротства. (Электронный ресурс): <https://vawilon.ru/statistika-bankrotstva/> (дата обращения 12.11.2019).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонида 1-илова. ЎзР Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

такомиллаштириш, уларни амалга ошириш йўллари ва усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги 474-П-сон «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, ПФ-5587-сон «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, ПҚ-3698-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, ПҚ-4146 «Банкротлик таомилларини янада соддалаштириш ва суд бошқарувчилари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 28 майдаги «Минтақавий аҳамиятга эга бўлган зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича дастурлар - «йўл хариталар»ни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида қўйилган устувор вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот натижалари муайян даражада илмий-услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корхонада инқирозга қарши бошқаришнинг назарий ва амалий муаммолари чет эл ҳамда мамлакатимиз олимлари томонидан кенг тадқиқ этилган. Чет эл олимлари К.А.Балдин, В.В.Бандурин, А.Г.Барановский, М.Т.Бендиков, А.Г.Грязнова, Е.В.Ельчанинов, В.Ю.Жданов, И.Б.Кабанов, М.Е.Кожимьяка, Г.В.Савицкая, В.А.Самородский, Э.А.Уткин ва бошқаларнинг илмий ишларида корхоналар ҳаётининг даврини ҳамда банкротлик рискларини ташхис қилиш, молиявий-иқтисодий инқирозларга қарши бошқаришнинг илмий-услубий жиҳатлари тадқиқ қилинган ва таклифлар асосланган¹.

Ўзбекистонда менежмент назарияси ва амалиёти муаммолари А.Ш.Бекмуродов, Н.Қ.Йўлдошев, Ш.Дж.Эргашходжаева, Д.Н.Рахимова ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Ижтимоий-иқтисодий

¹ Антикризисный менеджмент. Под ред. проф. Грязновой А.Г. – М.: Ассоциация авторов и издателей "ТАНДЕМ". Издательство ЭКМОС, 1999.; Бандурин В. В., Ларицкий В. Е. Проблемы управления несостоятельными предприятиями в условиях переходной экономики. – М.: Наука и экономика, 1999. – С.53.; Барановский А.Г., Тренихин А.П. Жизненный цикл организации (предприятия) / Экономика и социум. – 2014. – №2.- с.10-36.; Бендиков М.Т., Джамай Е.В. Совершенствование диагностики финансового состояния предприятия / М.Т. Бендиктов, Е.В. Джамай // Менеджмент в России и за рубежом – 2007 – №5 – 81 с.; Ельчанинов Е.В. Развитие механизмов антикризисного управления на промышленных предприятиях: теория и практика: дис. док. экон. наук. – Самара, 2008. – 268 с.; Жданов В.Ю. Антикризисный механизм диагностики риска банкротства предприятия. Современные технологии управления. 2011, №11.; Уткин Э.А. Антикризисное управление. - М.: Ассоциация авторов и издателей «Тандем». Издательство ЭКМОС, 1997, С.13.; Ерохина Е.А. Теория экономического развития: системно-синергетический подход. [Электронный ресурс]: <http://orel.rsl.ru/nettext/economic/erohina/1-2.html> - 85к.; Еспаев С.С. Глобальный финансово-экономический кризис: причины, особенности и новая архитектура // С.С.Еспаев. – Алматы: Институт экономики КН МОН РК. – 2013.– 383 с.; Head, George L. Crisis Plans Ensure Companies' Future // Business Insurance, May 28, 1990, v24n22, p. 39.

тизимларда инқирознинг юзага келиши ва унинг оқибатлари, корхоналарни банкротлик ҳолатларидан чиқаришнинг илмий ҳамда амалий масалалари Н.Х.Жумаев, Б.Б.Беркинов, А.С.Усмонов, А.В.Ваҳобов, Э.Бикеева, С.А.Воронин, Н.Хасанов, Р.Д.Алладутов, М.С.Ашуров, Ж.Х.Камбаров, Н.А.Юлдашева ва бошқалар томонидан ўрганилган¹.

Шу билан бир вақтда, корхонани инқирозга қарши бошқариш, унинг ҳаёти давомийлиги узлуксиз жараён сифатидаги ҳамда корхона менежментининг доимий функциялари тўғрисидаги билимлар доираси жуда тор. Корхонанинг инқирозга юз тутиши ва унга қарши бошқариш босқичлари услубий жиҳатдан етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур ҳолатларни эътиборга олган ҳолда, бозор рақобати кучайиши шароитида корхонада инқирозга қарши бошқариш стратегиясини танлаш ва уни амалга ошириш механизмини ва истиқболда ривожланишини прогнозлаш усуллари тақомиллаштириш муҳим тадқиқот вазифалари қаторига киради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Самарқанд давлат университети «Кадрлар менежменти ва бизнес» кафедраси илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Бошқариш ва ҳудудий иқтисодий кўрсаткичларнинг таҳлили» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади корхонада молиявий-иқтисодий инқирозга қарши бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишнинг илмий методологик асосларини тақомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

корхонада инқирознинг юз бериши ҳамда унга қарши бошқаришнинг назарий жиҳатларини ўрганиш;

инқирозга қарши бошқаришнинг чет эл ҳамда Ўзбекистонда қабул қилинган усул ва механизмларини таҳлил қилиш;

корхонада инқирозга қарши бошқариш стратегиясини танлаш механизмини асослаш;

ҳудудда банкрот корхоналарнинг молиявий соғломлаштириш чоралари самарадорлигини баҳолаш;

зарар билан ишлаётган ва банкрот корхонани инқирозга қарши

¹ Бикеев Э., Асфандиярова Э. Нефтегазовая отрасль в условиях кризиса: состояние и меры по стабилизации // Биржа Эксперт. 2009, № 2, 34-37 с.; Ваҳобов А.В. Жаҳон молиявий инқирози таъсирини юмшатиш омиллари // Халқ сўзи, №68 (4731), 2009 йил 2 апрель, 1-2-б.; Воронин С. Роль государства в преодолении последствий мирового финансового кризиса // Биржа Эксперт. 2009, №1, 38-40 с.; Усмонов А.С. Научные основы регулируемых рыночных отношений. – Т.: РЦНТИ “Узинформагрупп”, 1992. – 160 с.; Ваҳобов А.В., Жумаев Н.Х., Хошимов Э.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. – Т.: “Akademnashr”, 2009. – 141 б.; Хасанов Н. Финансовое оздоровление предприятия: методы анализа и оценки. – Т.: Мир экономики и право, 2001. Вып. 6. – 191 с.; Ашуров М.С. Саноат корхоналарида иқтисодий рискларни бошқаришнинг ташкилий-услубий механизми (Фарғона вилоят саноат корхоналари мисолида) дис. ...икт. фанлари номзоди. – Т.: ТДТУ, 2006. – 143 б.; Камбаров Ж.Х. Саноат корхоналарида инқирозга қарши бошқарувнинг иқтисодий механизмини тақомиллаштириш: дис. ...икт. фанлари номзоди. – Т., ТДИУ, 2012. – 156.; Алладутов Р.Д. Халқаро молиявий-иқтисодий инқирознинг капитал оқими ва инвестицияларга таъсирини баҳолаш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., ТДИУ, 2018. – 63 б.; Юлдашева Н.А. Тўқимачилик корхоналарида инқирозга қарши бошқарувни тақомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., ТДИУ, 2019. – 54 б.

бошқариш босқичларини амалга ошириш услубини ишлаб чиқиш;

банкрот корxonани молиявий соғломлаштириш учун ички ва ташқи муҳитни баҳолаш усулини такомиллаштириш;

иқтисодий ночор корxonани инқирозга қарши бошқариш стратегиясини асослаш ва амалга ошириш усулини таклиф этиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Самарқанд вилоятининг иқтисодий ночор, зарар билан ишлаётган ва банкротликка учраган корxonалари, шу жумладан «Ховренко номидаги Самарқанд винкомбинати» АЖнинг инқирозга қарши бошқарув стратегияси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини корxonада молиявий-иқтисодий инқирозга қарши бошқариш жараёнларида вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, иқтисодий-статистик таҳлил, иқтисодий жараёнларни моделлаштириш ва прогнозлаш, мантиқий ва сабаб-оқибат таҳлил усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

корxonанинг молиявий-иқтисодий инқирозга қарши бошқариш механизми инқироздан олдинги санация, молиявий соғломлаштириш ва банкротликдан чиқариш дастакларини киритиш асосида такомиллаштирилган;

миллий корxonаларни ривожланиш ҳолатига кўра иқтисодий барқарор, юқори рискли фаолиятга эга ва иқтисодий ночор гуруҳларга ажратиш мезонлари ҳамда зарар билан ишлаётган ва паст рентабелли корxonаларни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш стратегияси ишлаб чиқилган;

корxonада инқирозга қарши бошқариш стратегиясини амалга оширишга қаратилган йўл харитасини тузиш ҳамда уни амалга ошириш услуби такомиллаштирилган;

иқтисодий ночор корxonани беқарор ҳолатдан ривожланиш босқичига олиб чиқиш стратегиясини амалга оширишнинг операцион, бошқарув ва молиявий омилларининг йиғма индекслари таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

Ўзбекистонда реал сектор корxonаларини молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг ҳуқуқий-институционал тартиботлари такомиллаштирилган;

банкрот бўлган корxonаларда инқирозга қарши бошқарувчилар учун ўқитиш, имтиҳон қилиш, лицензиялаш, касбий одоб-ахлоқини назорат қилиш тизимини амалиётга жорий этиш таклиф этилган;

хорижий тажрибалар асосида иқтисодий ночорлик жараёнининг ривожланиш сабаблари таҳлил қилинган ва уларни такомиллаштириш йўллари таклиф этилган;

Самарқанд вилоятидаги иқтисодий ночор корxonаларнинг молиявий фаолияти, таркибий ўзгартириш тадбирларининг самарадорлиги баҳоланган;

миллий корхоналарда инқирозга қарши бошқариш стратегиясини амалга оширишнинг корпоратив «йўл харитаси» тузишнинг услубияти ишлаб чиқилган;

«Ховренко номли Самарқанд винокомбинати» АЖни инқирозга қарши бошқаришнинг корпоратив «йўл харитаси» ишлаб чиқилган ва молиявий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари прогноз қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация натижалари ва хулосаларининг ишончлилиги муаллиф томонидан мавзуга оид хорижий ҳамда ўзбекистонлик олимлар олиб борган илмий-назарий, услубий тадқиқотларига, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари таҳлилига асосланганлиги, статистик маълумотларни таққослаш, моделлаштириш ва компьютер ҳисоб-китоблари, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги орқали белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бозор иқтисодиёти инқироzi даврида корхоналар фаолиятини бошқариш қонуниятлари тўғрисидаги билимлар доирасини кенгайтириш, санация ва банкротликдан чиқариш механизмлари негизида корхоналарни молиявий соғломлаштиришга кўмаклашиш ҳамда мавзуга оид махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги орқали намоён бўлади.

Тадқиқот хулосалари ва натижаларининг амалий аҳамияти корхоналар фаолиятини тартибга солувчи институционал меъёрларни такомиллаштиришда, иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини санация қилиш чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, ҳудуд даражасида ночор корхоналарни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича қарорлар қабул қилишда фойдаланиш мумкинлиги орқали намоён бўлади. Шунингдек, тадқиқот материалларидан «Корхона иқтисодиёти», «Инқирозга қарши бошқариш», «Менежмент», «Бизнесни бошқариш», «Институционал иқтисодиёт» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Корхонада инқирозга қарши бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

корхонанинг нормал фаолияти даврида бошланган, ривожланиб боровчи молиявий-иқтисодий инқирозга қарши бошқариш жараёнлари, инқироздан олдинги санация, молиявий инқироз ва банкротликдан чиқаришга асосланган механизмларни киритиш орқали такомиллаштириш бўйича таклифлар «Ховренко номли Самарқанд винокомбинати» АЖ ва «Агромир Адам» МЧЖнинг фаолиятида инқирозни олдини олиш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирларини асослашда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 19 декабрдаги 02/033-4333-сон маълумотномаси). Натижада корхоналарда инқирозни олдини олиш бўйича бошқарув жараёнларини тартибга солиш ҳамда корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш чораларининг асосланганлигига ва тўлиқлигига эришилган;

миллий корхоналарни ривожланиш ҳолатига кўра иқтисодий барқарор, таваккалчилик билан фаолият юритувчи ва иқтисодий ночор гуруҳларга ажратиш мезонлари ҳамда зарар билан ишлаётган ва паст рентабеллик корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш чораларини асослаш бўйича таклифлар «Ховренко номли Самарқанд винокомбинати» АЖда инқирозни олдини олиш ва уни бартараф этиш бўйича бошқарув амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 19 декабрдаги 02/033-4333-сон маълумотномаси). Натижада корхонада инқирознинг юзага келиши аломатларини ҳамда унинг сабабларини олдиндан диагностика қилишнинг ишончлилигини таъминлашга эришилди ва даромад ҳажми 12 фоизга ошган;

корхонада инқирозга қарши бошқариш стратегияси ишлаб чиқиш ва уни мақсадларини изчиллиги ва тизимлигини таъминлашга қаратилган йўл харитасини тузиш ва уни амалга ошириш услуги бўйича таклифлар «Ховренко номли Самарқанд винокомбинати» АЖ ва «Агромир Адас» МЧЖнинг фаолиятида корхонада инқирозга қарши бошқариш стратегиясини амалга оширишнинг йўл харитаси тузиш амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 19 декабрдаги 02/033-4333-сон маълумотномаси). Натижада иқтисодий ночор ва банкрот корхоналарни самарали фаолият юритиши ва молиявий барқарорлашувига эришилган;

иқтисодий ночор корхонани беқарор ҳолатдан ривожланиш босқичига олиб чиқиш стратегиясини амалга ошириш муҳитининг операцион, бошқарув ва молиявий омилларининг йиғма индекслари ва ишлаб чиқариш самарадорлигини прогноз қилиш бўйича таклифлар «Ховренко номли Самарқанд винокомбинати» АЖ ва «Агромир Адас» МЧЖнинг фаолиятида иқтисодий ночор корхонани ривожланиш босқичига олиб чиқиш самарадорлигини баҳолаш амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 19 декабрдаги 02/033-4333-сон маълумотномаси). Натижада «Ховренко номли Самарқанд винокомбинати» АЖни инқирозга қарши бошқаришнинг корпоратив «йўл харитаси» чора-тадбирларини амалга ошириш, турли сценарийлар бўйича соф жорий қиймат (NPV) ишлаб чиқариш таннарни 2 фоизга ошганда, 45,1 млн.сўмга ошди ва даромадлилик ички нормаси 12,3 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Корхоналарни инқирозга қарши бошқарув стратегиясини танлашнинг илмий асослари»** деб номланган биринчи бобида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги даврда шаклланган иқтисодий инқирозга қарши бошқаришнинг мазмун-моҳияти очиб берилган ва унинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизмлари ҳамда босқичлари асосланган.

Жаҳонда 2008 йилда бошланган молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари иқтисодчилар томонидан «глобал ноаниқлик ва беқарорлик даври» деб номланган даврнинг бошланишига олиб келди. Бу инқироз ҳатто энг яхши халқаро компаниялар ҳам, ҳар доим ўзининг молиявий аҳволини назорат қилиб бориши ва ўзи ҳамкорлик қиладиган компанияларнинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиб туриши лозимлигини кўрсатди. Ҳозирги вақтда ўсиб бораётган компаниялар ҳам ўзининг барқарор ривожланишига эга эканлигига узил-кесил ишонч ҳосил қилиши қийин ҳисобланади. Буларнинг барчаси бозор иқтисодиёти рақобати шароитида корхоналарнинг ривожланишига ўзгача назар билан қарашга мажбур қилади. Иқтисодчиларнинг фикрига кўра, корхона мураккаб тузилма сифатида, ҳар қандай вақтда юқори барқарор ҳолатдан нобарқарор ҳолатга, ўсиш ҳолатидан беқарорлик ҳолатига ўтиши, яъни корхона ривожланиш ҳолатидан банкротлик ҳолатга ўтиши мумкин. Шу туфайли корхона раҳбариятининг асосий вазифаларидан бири – бу корхонанинг беқарор ҳолатига ўтишига, яъни унинг инқирозга учрашига йўл қўймасликдан иборатдир.

Илмий манбаларнинг таҳлилига асосан, корхонанинг инқирозга юз тутиши жараёни уч даврга ажратилади. Диссертацияда ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича муаллифнинг илмий қарашлари баён этилган. Биринчиси – инқироз бошланишидан олдинги давр, иккинчиси – инқироз бошланиш даври ва учинчиси – бу сурункали инқироз бошланиш даври бўлиб ҳисобланади. Ушбу даврлар корхонада инқироз ривожланишининг кетма-кет намоён бўлувчи қуйидаги еттита босқичини ўз ичига олади: стратегик инқироз, таркибий инқироз, ликвидлилик инқирози, вақтинчалик тўловга ноқобиллик, тўловга ноқобиллик, ночорлик ва банкрот бўлиш. Корхонада инқироз босқичлари алмашувини бошқарув инқирозининг аста-секин молиявий инқирозга, сўнгра иқтисодий-ҳуқуқий инқирозга ўтишини қуйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин (1-расм).



1-расм. Корхонада инқирознинг бошланиш ва ривожланиш давлари¹


Инқироз ва унинг босқичлари жараён тавсифига эгаллиги боис, уларни турғун ҳолат сифатида қабул қилмаслик керак. Шунинг учун бизнинг фикримизча, инқироз билан курашиш эмас, балки корхона иқтисодиётини янги муносабатларга мос келувчи таркибий ўзгартиришларга эришиш зарур. Демак, банкрот бўлишнинг олдини олиш, корхонанинг узоқ вақт мобайнида тараққий этишини таъминлаш янада муҳимроқ вазифа бўлиб ҳисобланади.

Шуни ҳисобга олганда инқирозга қарши бошқаришнинг асосий тамойили – инқироз хавфларини эрта аниқлаш, корхона ҳолатини, унинг рақобатлашиш имкониятларининг ёмонлашуви мумкинлигидан далолат берувчи белгиларни ўз вақтида пайқаш мақсадида корхона ички ва ташқи муҳитининг доимий мониторингини амалга ошириш ҳисобланади. Ушбу тамойилни инобатга олиб диссертацияда инқирозга қарши бошқаришнинг умумий модели ишлаб чиқилган. Таклиф этилган модель корхона бақувват бўлиб, бозорда муваффақиятли фаолият кўрсатган, ижобий иқтисодий ва молиявий натижаларга эга бўлган шароитда ҳам, инқироз ҳолатларининг олдини олишга ҳамда инқирозни бартараф этишга қаратилган бўлиши ғоясини ўзида акс эттиради.

Ушбу ғоя негизида инқирозга қарши менежмент таърифларини умумлаштирган ҳолда диссертацияда инқирозга қарши бошқаришга қуйидагича муаллифлик таърифи берилган: инқирозга қарши бошқариш – бу

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

корхонани бошқаришнинг ялпи, тизимли хусусиятга эга бўлган ва бизнес учун номақбул ҳолатларнинг олдини олиш ёки бартараф этишга йўналтирилган бошқарув тизими бўлиб, унга муайян тарзда инқироз хавфини олдиндан кўриш, унинг аломатларини, муаммоларнинг пайдо бўлиш сабабларини, эҳтимолий истикболларни, инқирознинг салбий оқибатларини камайтириш чора-тадбирларини аниқлаш ва таҳлил қилиш ҳамда инқироз омилларидан корхонани кейинги босқичда ривожлантириш учун фойдаланиш вазифаси қўйилади. Шундан келиб чиқиб, диссертация ишида инқирозга қарши бошқаришнинг бошланиб келаётган, илгарилаб борувчи, иқтисодий ночорлик ҳамда банкротлик даврларидаги мақсадлари ва уларга эришишнинг муайян вазифалари асосланган. Мазкур ҳолатларни инобатга олиб, бошланиб келаётган инқирознинг дастлабки белгиларини аниқлаш ва корхонанинг молиявий (нормал, инқироздан олдинги, инқироз ва ночор) ҳолатларини билиб олиш ва корхонанинг банкрот бўлиши эҳтимолини прогноз қилиш, ривожланаётган инқирознинг олдини олиш ҳамда инқирозга учраган корхонани санациялаш ва банкротликдан чиқариш механизмлари таклиф этилган (2-расм).



2-расм. Корхонани инқирозга қарши бошқариш механизми¹

Ўзбекистонда ушбу механизмлар «Фуқаролик кодекси», «Банкротлик тўғрисида»ги ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тамойил ва шартларини ҳисобга олган ҳолда инқирознинг олдини олиш ва шу билан

¹ Муаллиф томонидан тадқиқот натижалари асосида тузилган.

бирга уни энг кам харажатлар ҳамда энг юқори иқтисодий ва ижтимоий самарага эришган ҳолда муваффақият билан енгиб ўтишга имкон беради.

Таъкидлаш лозимки, корхонани инқироз ҳолатидан чиқариш борасидаги муҳим вазифалардан бири – бу корхонанинг мақсадлари ва вазифаларига ҳамда корхона фаолият кўрсатишининг ҳозирги ва кутилаётган шароитларида унга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларга энг мос келадиган стратегияни танлаш ва уни амалга ошириш учун (стратегик режа) ҳамда ташкилий тузилмани шакллантириш зарур. Шундан келиб чиқиб диссертацияда корхонада инқирозга қарши бошқариш стратегиясини шакллантириш модели асосланган.

Моделнинг таркибий қисмлари бўлиб маркетинг, ишлаб чиқариш, молиявий, инвестиция ҳамда кадрлар сиёсати стратегиялари ҳисобланади. Диссертацияда мазкур стратегияларнинг корхонани мулкий мажмуа сифатида инқирозга қарши бошқаришдаги роли, мақсади, таркибий тузилиши ҳамда моҳияти, уларни амалга оширишдан кутиладиган натижалар асослаб берилган. Стратегияни амалга ошириш босқичларида корхонанинг тўловни амалга ошириш, фойдалилик ва ликвидлик қобилиятлари тикланади. Ушбу ҳолатни таъминлаш учун масъул шахслардан иборат тузилма ташкил этилиши ва бундай тузилмага корпоратив “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш юклатилиши лозим.

Диссертациянинг **«Самарқанд вилояти корхоналарида амалга оширилаётган инқирозга қарши чоралар самарадорлигини баҳолаш»** деб номланган иккинчи бобида вилоятнинг иқтисодий ривожланиш салоҳияти ва унинг кўрсаткичлари, корхоналар молиявий-иқтисодий фаолияти натижаларининг ўзгариш динамикалари, шунингдек, иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш ҳамда молиявий соғламлаштиришни стратегик йўналишлари ва улар тадбирларининг самарадорлиги баҳоланган.

Самарқанд вилояти Ўзбекистоннинг аҳоли зич жойлашган ва ривожланган минтақаларидан бири ҳисобланади. Вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти (ЯХМ) кейинги 10 йил мобайнида 5,9 мартага ошди. Шу даврда ЯХМнинг ўртача йиллик ўсиши 10,1 фоизни ташкил қилди. Саноатнинг улуши вилоят иқтисодиётида 2016 йилдаги 9,4 фоиздан 2018 йилда 14,0 фоизга кўпайди. 2018 йилда аҳоли жон бошига ЯХМ ишлаб чиқариш 8,3 млн. сўмга, асосий капиталга инвестициялар киритиш 897,3 минг сўмга тенг бўлди. Ушбу кўрсаткичлар ўтган йилларга нисбатан юқори қийматга эга ҳисобланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2018 йилда Самарқанд вилояти корхона ва ташкилотлари фаолиятидан олинган фойда ҳажми 334,4 млрд. сўмга тенг бўлган. Бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 4,8 мартага кўп. Аммо, вилоятнинг ушбу кўрсаткичи республика корхона ва ташкилотлари фойдасининг атиги 1,7 фоизини ташкил қилади. Вилоятда кейинги 2014-2015 йиллар мобайнида зарар билан ишлаётган, иқтисодий ночор ва банкрот бўлган корхоналар сони камайган бўлсада, 2018 йилдан бошлаб улар сонининг ошиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Шу билан бир вақтда, вилоятда ўртача битта

корхонага тўғри келадиган зарар суммаси 2016 йилдаги 860,3 млн. сўмдан 2018 йилда 437,1 млн. сўмга қадар камайган. Айти вақтда вилоят корхоналари ва ташкилотларининг дебиторлик қарзлари 1448,0 млрд. сўмни ташкил қилиб, бу 2010 йилдагига қараганда 1,2 мартага кўпдир. Дебиторлик қарзларининг жами қарзлардаги улуши 2018 йилда 33,0 фоизни ташкил қилган. 2018 йилда кредиторлик қарзларининг жами қарзлардаги улуши 2010 йил билан солиштирилганда 13,6 фоиз бандига ошиб, 66,9 фоизга тенг бўлган (1-жадвал). Ушбу ҳолатлар вилоят корхоналарида инқироздан олдинги бошқарув нобарқарорлиги мавжуд эканлигидан далолат беради.

1-жадвал

Самарқанд вилояти корхоналарининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари кўрсаткичларининг ўзгариш тенденцияси¹ (млрд. сўм).

Кўрсаткич	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил
Қарзлар, жами	2528,0	2668,7	2312,7	6357,1	2579,1	5193,3	6340,1	4383,3
шу жумладан:								
Дебиторлик қарзлари	1171,7	1142,1	1962,0	2787,2	1814,7	2179,2	2449,6	1448,0
Кўрсаткич улуши, %	46,3	42,8	45,9	43,8	70,4	42,0	38,6	33,0
Кредиторлик қарзлари	1356,3	1526,6	2308,4	3569,9	764,4	3014,1	3890,5	2934,3
Кўрсаткич улуши, %	53,7	57,2	54,1	56,2	29,6	58,0	61,4	66,9

Илмий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, биргина кредит тўловига қобил эмаслик, зарарлар ва ҳатто бозор ислохотларининг ҳуқуқий таъминотидаги хатолар, мажбуриятлар ошиб бориши билан тушумнинг камайиши ҳамда кескин рақобат шароитларининг ҳаммаси биргаликда банкрот бўлишнинг муқаррарлигини англатмайди. Бироқ, улар озми ёки кўпми банкрот бўлиш эҳтимолини белгилаб беради. Ушбу нуқтаи назарни хорижий мутахассислар тадқиқотлари ҳам исботлайди. Улар тадқиқотларига кўра банкрот бўлган фирмаларнинг 38 фоизини зарар кўриб ишлаётган, қолган 62 фоизини эса рентабелли корхоналар ташкил қилган². Банкрот бўлган рентабелли корхоналарнинг 30 фоизи паст рентабелликга эга ва молиявий беқарор бўлган, 11 фоизи паст рентабелликга эга бўлгани ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмини асосиз тарзда оширган корхоналар ва 8 фоизи қониқарли рентабеллик ва молиявий барқарорлик кўрсаткичларига эга бўлган, лекин таваккалчиликка асосланган маркетинг сиёсати олиб борган корхоналар ташкил этган.

¹ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида тузилган.

² Рынков Д.А. Организационно-экономическое обеспечение инновационного развития хозяйствующего субъекта. Диссертация на соиск. ученой степени к.э.н., Курск, 2014. – 162 с.

Шуни эътиборга олганда, республикадаги нафақат иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналарнинг молиявий аҳволи кўрсаткичларини, балки инқироз вазиятларида фаолиятини сақлаб қолган ёки банкрот бўлган корхоналарнинг иқтисодий, молиявий ҳамда бошқариш фаолиятини ҳам таҳлил қилиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олиб, диссертацияда республика корхоналарини иқтисодий ҳолатига кўра иқтисодий бақувват, иқтисодий таваккалчилик билан фаолият юритувчи ва иқтисодий ночор тоифаларга ажратиш мезонлари ва шартлари асосланди. Улардан учинчи тоифага кирувчи иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабеллик корхоналар учун инқирозга қарши бошқаришнинг 6 қисмдан иборат таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштиришнинг стратегик йўналишлари ва уларни амалга ошириш чоралари ишлаб чиқилди.

Самарқанд вилоятида 2012-2017 йилларда жами 2,3 мингга яқин, шу жумладан, 2018 йилда 29 та иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш ва молиявий соғломлаштириш дастурлари қабул қилинди. Дастурлар корхоналарда инқирознинг олдини олиш тадбирлари сифатида амалга оширилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2018 йилда 2017 йил билан солиштирилганда молиявий соғломлаштириш дастурларига киритилган корхоналар сони 310 тага ёки 90,6 фоизга камайган. Ўз навбатида, корхоналар сонининг республика кўрсаткичларидаги улуши камайиб, -9,4 фоиз бандини ташкил қилди. Вилоятнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш ва молиявий соғломлаштириш дастурларида иштирок этувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 2018 йилда 260 млрд. сўмга тенг бўлди. Бу кўрсаткич бўйича Самарқанд вилоятининг республикадаги улуши 5,6 фоизни ташкил қилади.

Вилоятда 2012-2018 йиллар мобайнида корхоналарини таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштиришни амалга ошириш жараёнида жами 24 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди (2-жадвал).

Вилоятнинг республика бўйича ушбу кўрсаткичдаги улуши 2017-2018 йилларда ўртача 12,2 фоиз бандини ташкил қилган. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш ва молиявий соғламлаштириш учун инвестициялар киритилиши ва банклар кредитларининг жалб қилиниши, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий-иқтисодий фаолиятини тиклаш имконини берди.

Хулоса қилиб айтганда, ўз вақтида қабул қилинган инқирозга қарши бошқариш дастурлари ва унинг асосида корхоналарда тегишли тадбирларнинг бажарилиши республикада, хусусан Самарқанд вилоятида иқтисодий ривожланишнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш имконини берди. Ушбу натижалар Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган, ҳудудлар иқтисодиётини устувор ривожлантириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, саноат тармоқлари ривожланишини янада юқори даражага кўтариш, замонавий инфратузилмани шакллантириш учун ички ва ташқи инвестициялар жалб этишга мустаҳкам пойдевор бўлиб қолади.

Самарқанд вилоятида молиявий соғломлаштириш дастурларини амалга ошириш кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси¹

Кўрсаткич	2012 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
Молиявий соғломлаштириш дастури бўйича фаолиятини амалга оширувчи корхоналар сони*, дона	388	283	236	300	310	29
Кредитлар ажратилган корхоналар учун лойиҳалар сони, дона	161	142	133	160	177	24
Республика корхоналарини молиявий соғломлаштириш учун киритилган инвестициялар ҳажмида вилоятнинг улуши, %	13,0	20,0	18,0	5,4	5,1	12,2
Банклар томонидан республика корхоналари учун берилган кредитлар суммасида вилоятнинг улуши, %	11,5	21,7	19,9	6,5	4,6	6,0
Ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар ҳажми, млрд. сўм	337,5	274,2	273,3	146,8	180,5	260,0
Молиявий соғломлаштириш дастури бўйича фаолият кўрсатувчи республика корхоналари маҳсулотини экспорт қилишда вилоятнинг улуши, %	7,0	5,8	3,8	2,8	2,5	2,0
Иш ўринлари ташкил этилган, бирлик	4768	6167	5226	1405	1501	250

*корхоналар сониди аввалги йилларда дастурга киритилган корхоналар сони ҳам ҳисобга олинган.

Диссертациянинг «**Корхонани инқирозга қарши бошқарув стратегияси ва уни амалга оширишнинг корпоратив йўл харитасини ишлаб чиқиш услуби**» деб номланган учинчи бобида корхонада инқирозга қарши бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг корпоратив йўл харитасини тузишнинг услуби таклиф этилган ҳамда «Ховренко номли Самарқанд винкомбинати»ни ночорликдан ривожланиш босқичига олиб чиқиш стратегиясини амалга оширишнинг корпоратив йўл харитаси ишлаб чиқилган ва унинг самарадорлиги прогноз қилинган.

Корхонада юз берган инқирознинг олдини олиш ва уни ривожланиш ҳолатига ўтказиш бўйича бошқариш қарорларини қабул қилиш кўп омилли мураккаб жараён ҳисобланади. Ушбу жараёнда самарали натижаларга эришиш, инқирозга қарши бошқариш босқичларида танланган стратегия тадбирлари кетма-кетлигини вақт бўйича аниқ тақсимланишини талаб этади. Ушбу масалани самарали ечишда хорижий давлатларда² ва Ўзбекистонда мураккаб вазифалар ҳамда лойиҳаларни бажариш жараёнини режалаштиришда қўлланилаётган «йўл харитаси» тузиш усулидан фойдаланиш мумкин. Шунга асосланиб диссертацияда корхонада иқтисодий


¹ Манба: Самарқанд вилояти Давлат рақобат қўмитаси бошқармасининг маълумотлари асосида тузилган.

² Черепанов М.А. Дорожная карта как инструмент управления развитием организации // Вопросы управления. 2014, Черепанов@ gen-su.ru. стр. 53-60.; Джемала М. Корпоративная дорожная карта. Корпоративный менеджмент, <http://www.cfin.ru>. Российский журнал менеджмента. Том 6, № 4, 2008.

инқирозга қарши бошқарув стратегиясини амалга оширишнинг корпоратив йўл харитасини ишлаб чиқишнинг услуби таклиф этилган. Бу инқирозга қарши бошқаришга инновацион ёндашув бўлиб, танланган стратегия мақсад ва вазифаларига эришишнинг изчиллиги ва тизимлилигини таъминлаш имкониятини беради.

